

Муштарак мақсадлар йўлидаги ҳамкорлик



22:02 / 08.02.2024 1458

2024 йил 8 январь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Бирлашган Араб Амирлигининг Дин ишлари ва Вақф бош бошқармаси раҳбари доктор Умар Ҳабтур ал-Дирий жаноблари билан мулоқот ўтказдилар.

Самимий ва кўтаринки руҳда ўтган учрашувда Умар Ҳабтур ал-Дирий жаноблари мазкур бошқарма фаолияти, асосий вазифалари ва келгусидаги режалари тўғрисида маълумот берди. Жумладан, Амирликдаги масжидлар фаолияти, шаръий масалаларга жавоб бериш, фатво ишлаб чиқариш жараёнлари, ҳаж-умра зиёратларини ташкил этиш ва илмий-тадқиқот олиб бориш ҳамда диний адабиётларни нашр этиш ва хайрия ишлари борасида сўз юритди.

Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама ривожланиб бораётганини сўзлаш баробарида Ўзбекистонда сўнгги йилларда диний-маърифий соҳада катта янгиланишлар амалга оширилаётгани, шундай ижобий ўзгаришлар қаторида Марказий Осиёда ягона бўлган Фатво маркази иш бошлагани, унда 20 нафар забардаст уламо “Колл марказ”, фуқаролар мурожаати билан шуғулланаётгани ва интернет тармоғи орқали савол-жавоб қиладиган заковатли фақиҳлар туну кун хизмат қиляётганини қайд этдилар.

Шунингдек, мўмин-мусулмонлар учун кенг имкониятлар бериляётгани, хусусан, янги масжид-мадрасалар очилаётгани, профессионал диний таълим бериш сифати тубдан яхшилангани, малакали соҳа ходимлари тайёрланаётгани ва Қуръони карим курслари фаолият олиб бораётганига алоҳида тўхталдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирлиги ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланаётгани, икки давлат Раҳбарларининг дўстона алоқалари турли йўналишлардаги муносабатларга замин бўляётгани қайд этилди. Шунингдек, мамлакатлар ўртасида диний-маърифий йўналишда ҳамкорлик йўлга қўйилгани, хусусан, тажриба алмашиш ва илмий-тадқиқот йўналишларидаги алоқаларни ривожлантиришга эътибор қаратиляётгани ҳам алоҳида таъкидланди.

Мулоқотда эътиқод ва виждон эркинлигини таъминлаш, конфессиялараро мулоқот ҳамда жаҳолатга қарши маърифат йўналишида қилинаётган ишлар ҳам муҳокама қилинди.

Маълумот ўрнида, Бирлашган Араб Амирлигининг Дин ишлари ва Вақф бош бошқармаси 2006 йилда ташкил топган. Асосий вазифалари Ислом маърифати ва маданиятини кенг ёйиш, диний саводхонликни ошириш, жамиятда мўътадиллик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик қадриятларини мустаҳкамлаш кабилардан иборат.

Шунингдек, вақф мулкчилигини қайта тиклаш, ривожлантириш ва оммалаштириш, масжидларни обод этиш, бошқариш ҳамда назорат қилиш, Ҳаж ва Умра ишларини ташкил этиш, халқаро анжуманлар, илмий семинарлар, мақсадли тадбирлар ва мусобақа-танловлар ўтказиш кабилар бошқарманинг устувор вазифалари ҳисобланади.

Бошқарманинг Жума хутбалари хизматлари, Ҳаж ва умра хизматлари, Масжидлар хизматлари, Қуръони каримни ёд олиш хизматлари, Тадқиқотлар ва нашрлар хизматлари бор.

Вақф йўналишида эса бева-бечоралар, етим-есирлар, ёлғиз қарияларга ёрдам бериш, таълим ва саводхонликни ошириш, олис ҳудудларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва беморларга кўмак бериш каби хайрия лойиҳалари мавжуд.





